

Закотни адо қилмаслик

13:54 / 24.03.2017 2233

Абдуллоҳ ибн Бурайда отасидан ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деган эканлар: “Агар бир қавм закотни бермасалар, Аллоҳ уларни қурғоқчиликка гирифтор қилади” (Имом Табароний “Авсат” да, Байҳақий “Шуъабул иймон” да, Ҳоким “Мустадрок” да ривоят қилган. Имом Ҳокимнинг ривоятида: “Агар бир қавм закотни бермасалар, Аллоҳ улардан ёмғирни ман қилади”, дейилган. Ҳоким: “Бу ҳадис Муслим шартига кўра саҳиҳдир, аммо иккиси уни ривоят қилишмаган”, деган).

Маълум турдаги молдан закот бериш учун унда бир неча шартлар бўлиши лозим. Ана ўша шартларнинг аввалида молнинг нисобга етиши туради. Хуллас, закот бериши лозим бўлган банд Аллоҳ розилиги учун ушбу ибодатни ихлос билан адо этадиган бўлса, аввало катта савобга эришади, қолверса, молини поклаган, унинг ўсиши ва кўпайишига замин тайёрлаган бўлади.

Нима сабабдан, закот молни поклайди, деб айтаяпмиз. Сабаби шуки, мол нисобга етганда, ўша молда камбағал ва ҳақдор кишиларнинг маълум миқдордаги ҳаққи бўлади. Агар уларнинг ўша улуши молдан чиқариб, фақирларга закот сифатида берилса, мазкур молда бировнинг ҳаққи қолмайди. Бу билан ўша мол покланади ва яна ўсишда давом этади. Агар аксинча бўлса-чи? Камбағалларнинг ҳаққи молга қўшилиб, унинг ҳаммасини барбод қилади. Бировнинг ҳаққини бермай, фақат ўзини ўйлайдиган бахил кимсалар Аллоҳ тарафидан турли балоларга дучор бўладилар. Ушбу ҳадисда шундай офатларнинг бири келтирилмоқда. Унда айтилишича, закотни бермаслик қурғоқчилик, сувнинг кам бўлиши, ёмғир ёғмаслиги, оқибатда ризқ-насибанинг камайиши, очарчилик ва қийинчиликларга сабаб бўлар экан.

–Ибн Аббос розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Беш нарса сабабли беш нарса бўлади!” – дедилар. Шунда (одамлар): “Эй Расулуллоҳ, беш нарса сабабли содир бўладиган беш нарса нима?” – деб сўрадилар. У зот: “Агар бир қавм аҳдни бузсалар, уларнинг устидан душманлари ғолиб қилинади. Агар улар Аллоҳ туширган

нарсадан бошқаси билан ҳукм қилишса, уларнинг орасида камбағаллик кенг ёйилади. Агар уларнинг орасида фаҳш ишлар очик-ойдин қилинадиган бўлса, ораларида ўлим тарқалади. Агар улар тарозидан уриб қолсалар, ўсимликлардан ман қилинадилар ва қурғоқчиликка гирифтор бўладилар. Агар закотни бермасалар, улардан ёмғир ман қилинади”, дедилар”(Имом Табароний “Кабийр”да ривоят қилган).

Ушбу ҳадисда Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларига қулоқ солмаслик қандай оқибатларга олиб келиши хусусида сўз боради. Демак, бандалар бошларига нима кўргилик ва қийинчиликлар тушса, бунга фақат ўзлари қилган гуноҳлар сабаб бўлар экан. Хусусан, закотни адо қилишдан бош тортиш бандалар ризқининг торайиши, турли бало-офатларнинг ёғилишини келтириб чиқаради. Бу ҳолат турли мол навларида ҳар хил кўринишда кечади. Масалан, деҳқончиликда қурғоқчилик, чорвачиликда касаллик ёки бошқа сабаб билан ҳайвонларнинг ҳалок бўлиши, савдо-сотикда молнинг касодга учраши ёки ўғирланиши ва ҳоказо.

Одилхон қори Юнусхон ўғли